

МЕТРОПОЛИТЕН ВА УНИНГ ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ОБЪЕКТЛАРИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ЧОРАЛАРИ

Бехзодбек Исломбекович ИСЛОМБЕКОВ

Мустақил изланувчи

Жамоат хавфсизлиги университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада метрополитен ва унинг транспорт инфратузилмаси объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ айрим чоралар ҳақида сўз юритилади. Бу борада ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида долзарблик касб этадиган вазифалар баён этилади.

Таянч сўзлар: метрополитен, транспорт инфратузилмаси объектлари, жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби.

НЕКОТОРЫЕ МЕРЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ НА МЕТРОПОЛИТЕНЕ И ОБЪЕКТАХ ЕГО ИНФРАСТРУКТУРЫ

Бехзодбек Исломбекович ИСЛОМБЕКОВ

Независимый исследователь

Университет общественной безопасности

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье речь идет о некоторых мерах по обеспечению общественной безопасности на метрополитене и объектах его инфраструктуры. Рассматриваются вопросы, имеющие актуальное значение в деятельности сотрудников органов внутренних дел в этой области.

Ключевые слова: метрополитен, объекты транспортной инфраструктуры, общественный порядок.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсоннинг қонун билан ҳимоя қилинадиган кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари асосий ўринни эгалламоқда. Бу борада аввало унинг тинч ва осойишта турмуш кечириши учун мамлакат ҳудудида хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора долзарблик касб этмоқда. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ асосий масалалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг энг муҳим тармоқларидан бўлган ички ишлар органлари ходимлари зиммасига юклатилган. “2022-2026 йилларга

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да 16-мақсад сифатида “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш” белгилаб қўйилган [1]. Шу муносабат билан, пойтахтимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш талаб қилинадиган энг муҳим йўналишлардан бири бу – метрополитенда хавфсизликни таъминлаш соҳасидир.

Тошкент метрополитенида жамоат хавфсизлигини таъминлаш муайян хусусиятларга эга ва бу бошқа шу каби соҳалар – Ўзбекистон ҳаво йўллари, темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш соҳаларидан муайян даражада фарқ қилиб, ички ишлар органлари ходимларидан алоҳида тайёргарликни, ишга вазиятдан келиб чиқиб ёндашишни, ўта хушёрлик ва масъулиятни талаб қилади. Чунки метрополитен ёпиқ ҳудуд ва бу мазкур ҳудуднинг юқори хавф манбаи сифатида эътироф этилишига сабаб бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 26 март ПФ-6196-сон Фармони [2], “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 2 апрель ПҚ-5050-сон [3], “Тошкент метрополитени фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 16 октябрдаги ПҚ 5260-сон қарорлари [4]да бир қатор зарур вазифалар белгилаб берилган. Ушбу сўнгги қарорнинг 12-бўлимида айнан метрополитендан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бир қатор масалалар илгари сурилган.

Метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш деганда, аввало, унинг транспорт хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, терроризмдан ҳимояланганлик ҳолати, жамоат тартиби, муҳим инфраструктура объектлари

хавфсизлиги кўз олдимизда намоён бўлади ва бу ушбу объектларда хизмат ўтовчи ички ишлар органлари ходимларининг асосий фаолиятини ташкил қилади. Россиялик олим М.А.Смирновнинг фикрича, метрополитен транспорт сингари ички инфратузилмасига эга бўлиб, шунга кўра потенциал хавфдан ҳимояланиш зарурлиги факти яққол кўзга ташланади [6].

Ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчилик, айниқса, терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ички ишлар органлари ходимлари бор маҳорат, билим ва малакаларини ишга солиб, бундай офатларнинг олдини олишлари зарур ва шарт ҳисобланади. Чунки терроризм жамият, миллат ва халқ танламайдиган, яширин энг ёвуз ва шафқатсиз ҳодиса бўлиб, жамоат хавфсизлигининг асосий душманидир.

Жаҳоннинг йирик давлатлари, масалан, Россия, Англия, Франция, Япония, Америка ва бошқа мамлакатлар пойтахти метрополитенларида 1977-2017 йиллар оралиғида, яъни, 30 йил давомида жами 33 та террорчилик акти содир этилган бўлиб, унда 465 нафар шахс қурбон бўлган, 8530 нафар шахс яраланган [6; 7]. Шуларни эътиборга олган ҳолда бундай офатларнинг олдини олиш учун кескин чоралар кўриш давримиз заруриятига айланди. Мамлакатимизда ҳозир хавфсизликни таъминлашнинг замонавий инновацион усуллари кенг жорий этиш вақти келди. Бу борада кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш хавфсизликни таъминлашнинг барча даражаларида комплекс чоралар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ҳозир Тошкент метрополитенида ҳаракатланишнинг тартиб-таомиллари ишлаб чиқилган, хавфсизликни таъминлаш йўналишида муайян чор-тадбирлар кўрилмоқда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳам ўқув машғулотлари ўтказилиб, ходимларнинг сергаклиги, мураккаб вазиятларда қандай ҳаракатланиши кераклиги синовдан ўтказилмоқда. Албатта, метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар шаҳар кўча ва трассаларида ҳаракатланадиган

транспорт воситаларидагидан кескин фарқ қилади. Шу боис метрополитеннинг чекланган ҳудуд эканлиги, унинг бир қатор инфраструктура объектларига эгалиги амалга ошириладиган тадбирларнинг ўзига хослигидан келиб чиқади. Хусусан, бу борада ёш ва хусусияти бўйича турли контингентга эга бўлган шаҳар аҳолисининг метрополитенда белгиланган қоидаларга риоя қилиб бир маромда хавфсиз ҳаракатланиши ва тегишли манзилига етиб олишини таъминлашда шубҳасиз, метрополитен хизматчилари билан бир қаторда ички ишлар органлари ходимларининг ҳам ҳиссаси ғоят аҳамиятли ҳисобланади. Дарҳақиқат, россиялик олим И.И.Веремеенконинг таъбири билан айтганда, жамоат осойишталиги ҳолати транспортнинг бир маромда ишлаши шароитида таъминланади. Агар тўғиз пайтда бу бир маромдалик бузилса, шубҳасиз, ижтимоий безовталиқ ҳолатини кузатиш мумкин” [5; 72].

Айтиш жоизки, Тошкент метро бекатларининг гавжумлигини шаҳар аҳолиси зич жойлашган манзиллар, муайян инфраструктуранинг (масалан, олий таълим муассасалари, бозорлар, супермаркетлар ва ҳ.к.) мавжудлиги, куннинг тўғиз вақтларига қараб белгилаш мумкин. Бундай вазиятларда метрополитенга кириб-чиқувчи йўловчиларни кузатиш ва уларнинг қўл юкларини текширишда қўшимча кучларни жалб қилишдан олдин, аввало замонавий техник воситалардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Агар метро бекатлари ёки поезд вагонларида шубҳали буюм ёки бегона нарса аниқланган тақдирда, йўловчилар ва ходимларни улардан узоқлаштириш, муҳандис-сапёрлар келиб ўргангунларига қадар, ким бўлишидан қатъи назар, метро хизматчилари, ички ишлар органи мансабдор ёки сафдор ходими бўладими буюмга яқинлашмаслиги, биринчи навбатда, йўловчиларни хавфсиз жойга зудлик билан, аммо осойишталикни сақлаган ҳолда эвакуация қилишлари керак. Шубҳали буюм ёки бегона нарса аниқланган жой атрофида мобиль телефон ёки радиоалоқа воситасидан фойдаланиш тақиқланади. Ёнгин хавфи ҳолатларида ҳам худди шундай тартибда ҳаракатланиш тақозо этилади. Бундай вазиятда йўловчиларни хотиржамликни сақлашга чақириш, ҳар қандай кўрқув ва ваҳимага йўл қўймаслик асосий вазифа ҳисобланади. Шунингдек,

об-ҳаво шароити, табиий ва техноген ҳолатлар ҳам борки, бу метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган ички ишлар органлари ходимлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда муайян вазиятларда мустақил қарорлар қабул қилишга, керак бўлса, тартиббузарларга нисбатан тегишли интизомий, маъмурий чоралар кўришга ундайди. Масалан, йўловчиларни хушмуомалалик билан тартибни сақлашга чақириш, ота-оналардан югуриб, шовқин солаётган ёш болаларининг қўлидан ушлаб юришни сўраш, маст ҳолда қўпол сўзлар билан атрофдагиларни ҳақорат қилаётган тартибни бузувчи шахсларни метрополитенга киритмаслик, унинг кириш тақиқланган стратегик объектлари – поездлар турадиган деполар, вентиляция камералари, омборхоналар, маъмурий ва бошқа биноларига рухсатсиз киришга уриниш, унинг мулкига зарар етказиш ҳолати аниқланган тақдирда шошилишч алоқа воситаси ёки телефон орқали навбатчилик қисмига хабар бериш шулар жумласидандир.

Маълумки, Тошкент метрополитени бекатлари ва транспорт инфратузилмаси объектлари бугунги кунда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашга жавобгар бўлган ички ишлар органлари мансабдор ходимлари, кўриқчи сафдор милиционерлар ва керакли кузатув камералари билан таъминланган, улар кеча-ю, кундуз тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилган ҳолда хизмат олиб борадилар. Аммо метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун шунинг ўзигина кифоя қилмайди. Бундан ташқари метрополитен транспорт инфратузилмаси объектларида хавфсизликни таъминлаш мақсадларида давлат ушбу йўналишга қаратилган аниқ сиёсат олиб бориб, ташкилий, иқтисодий ва бошқа характердаги чоралар кўриши лозим, яъни давлат ва жамият манфаатларига бевосита хавф туғдирувчи ҳолатларни камайтириш имконини берадиган муайян нормаларни бир тизимга солиши керак. Метрополитен транспорт инфратузилмаси объектлари деганда, умуман, метрополитеннинг ҳаётий жараёнларини таъминлашга йўналтирилган ва унинг фаолият кўрсатиши учун хизмат қиладиган барча кўриқланадиган объектлар – турли йўналишда

ҳаракатланадиган метро поездлари, ерусти ва ерости метро станциялари бекатлари, поездлар сақланадиган деполар, маъмурий ва бошқа хизмат кўрсатувчи қўшимча бинолар, ерости вентиляция тизимлари, ерости ўтиш йўллари ва бошқа ш.к. объектлар – иншоотлар ва бинолар назарда тутилади.

Тошкент метрополитени уч йўналишдаги ерости ва ерусти метросидан иборат. Уларда жами 43 та бекат мавжуд. Улар йўловчилар ҳаракатининг сони, жойлашган ўрни, ерусти объектларининг аҳоли пунктларига, давлат корхона, муассаса ва бошқа объектларига яқин ёки узоқлиги билан фарқланади. Шу муносабат билан, хавфсизлик чораларини ана шулардан келиб чиқиб белгилаш, фикримизча, мақсадга мувофиқдир.

Куннинг эрталаб соат 7.00 дан 9.00 гача ва кечқурун соат 16.00 дан 19.00 гача бўлган вақти тиғиз вақт ҳисобланади. Шу қисқа давр ичида айрим метро бекатларида йўловчилар ғоят гавжумлашади ва уларни назорат қилишда қийинчиликлар юзага келади, Шунинг учун метро бекатларида хизматдаги ички ишлар органлари ходимларининг диққатини, биринчи навбатда, метрода юриш қоидаларини бузишга мойил ёки уни бузаётган шахсларга қаратиш, барча йўловчиларни поезд ҳаракатланадиган эстакадалардан узоқроқ тутиш, болаларнинг қўлидан ушлаб юришни катталардан талаб қилиш, поезд ҳаракатланиши вақтида ҳушёрликни оширишлари талаб қилинади.

Метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишлари хизмат жараёнида қуйидаги ҳолларда долзарблик касб этади:

биринчидан, ҳар куни эрталаб ва кечки соатларда қатнов кучайиб, йўловчиларнинг асосий қисмини, тахминан 70 фоизини талабалар ташкил қилади;

иккинчидан, об-ҳаво шароити ўзгарганда, масалан, тинимсиз ёмғир ёғиши, йўлларнинг музлаши, ҳавонинг қаттиқ совиб кетиши оқибатида, кўча транспортининг камайиши ёки ҳаракатининг сусайиши шароитида метро бекатларида йўловчиларнинг ҳаддан ташқари тирбанд бўлиши (масалан, 2022

йил 6 декабрь куни юқоридаги ҳолат туфайли метрополитенда йўловчилар сони 620 минг кишига етган, бу ўтган йилнинг шу кунига таққослаганда, кўрсаткичнинг 120 минг кишига ортганидан далолат беради);

учинчидан, байрамлар, мамлакатимизда бўлиб ўтадиган йирик тадбирлар шароитида аҳоли контингенти ўзгаради (масалан, Янги йил байрамларида ёш болаларнинг, олий таълим муассасаларига кириш ва ўқув имтиҳонлари даврида талабаларнинг одатдагидан кўплиги ва ш.к.);

тўртинчидан, пойтахтимизда республикамиз ва чет мамлакатлардан келаётган сайёҳлар оқимининг кўпайиши вақтида, ўзни самимий, эркин, лекин хушёр тутиш, улар билан хушмуомалада бўлиш, саволларига аниқ ва лўнда жавоб қайтариш, ўзининг ички маданияти ва ташқи кўриниши билан яхши таассурот қолдириш талаб этилади;

бешинчидан, аҳоли гавжум ҳудудлардан ўтган метрополитен бекатларида йўловчилар ҳаддан ташқари кўп бўлганда, ички ишлар органлари ходимлари куч ва воситаларини оқилона тақсимлаш, уларни ушбу бекатларга хизматга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан ташқари, умуман метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлашни ҳудудийлик, яъни, бекатлар бўйича амалга ошириш бугунги шароитда муҳим ва кечиктириб бўлмас чоралардан ҳисобланади. Бошқача айтганда, метрополитен бекатлари жойлашган манзиллар ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, умуман метро объектларига кирадиган бошқа махсус жойлар, масалан, деполар, шамоллатиш-вентиляция тизимларида яширин кузатув камералари ўрнатиш давр талабидир. Шу билан бирга, метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг хориж тажрибасини кенг ўрганиб амалиётга жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Адолат, 2022. – 152 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 26 март ПФ-6196-сон Фармони. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон

3. Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрель ПҚ-5050 сон қарори // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон)

4. Тошкент метрополитени фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 октябрь, ПҚ-5260-сон қарори //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.10.2021 й., 07/21/5260/0967-сон

5. Веремеенко И.И. Механизм административно-правового регулирования в сфере охраны общественного порядка. Часть 1. Предмет и понятие. – Москва: ВНИИ МВД СССР, 1981. – 72 с.

6. Смирнов М.А. Административно-правовое обеспечение общественной безопасности на объектах метрополитена: автореф.канд.юр.наук. – Москва: Московский университет Министерства внутренних дел Российской Федерации имени В.Я.Кикотя, 2020. – 23 с.